

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВИ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ХАМИДОВ ОДИЛ АБДУРАСУЛОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(5340400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи”
таълим йўналиши мисолида)

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Хамидов Одил Абдурасулович

Замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали талабаларни касбий
фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш 3

Хамидов Одил Абдурасулович

Совершенствование методики подготовки студентов к профессиональной
деятельности посредством использования современных образовательных
средств 23

Hamidov Odil Abdurasulovich

Improving the methodology of preparing students for professional activities through
the use of modern educational tools 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВИ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ХАМИДОВ ОДИЛ АБДУРАСУЛОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(5340400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи”
таълим йўналиши мисолида)

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1502 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туракулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (71) 246-92-17; факс: (71) 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э. Қурбонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю. Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

К.Т. Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда олий таълимни самарали ташкил этиш, унинг узвийлиги, узлуксизлиги ва интегративлигини таъминлашда таълим олувчи шахсини ривожлантиришга янги талаблар қўйилмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалаларига мувофиқ ишлаб чиқилган касбий фаолиятга тайёрлаш тенденциялар меҳнат бозори талаблари даражасидаги рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари негизида электрон таълим платформаларини яратиш¹ ва олий таълим тизими сифатини оширишда таълим олувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган замонавий ўқитиш воситаларини кенг жорий этиш алоҳида эътироф этилмоқда.

Халқаро тажрибаларга кўра, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг касбий мотивация, ташхислаш, ихтирочилик, ўз-ўзини фаоллаштириш, мобиллик, техник ахборотларни излаб топиш ва уларга ишлов бериш каби муҳим сифат кўрсаткичларини ривожлантиришда интеллектуал ахборот ресурсларининг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларни лойиҳавий-конструкторлик, ишлаб чиқариш ва ташкилий-бошқарув фаолиятларига тайёрлашда ахборот-дидактик воситаларнинг янги авлодини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш, шунингдек, талабаларнинг мустақил билим олишида ўқитиш технологияларининг функционал имкониятларини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олий таълимни модернизация қилиш жараёнида малакали мутахассисларни етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш”² муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Бунда олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш шарт-шароитларининг халқаро таълим стандартлари даражасида илмий-методик асосланган тизимини яратиш ҳамда мустақил таълим олишнинг функционал механизмларини ривожлантиришда мултимедиали таълим воситаларидан фойдаланиб талабаларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш орқали амалдаги методикаларни илмий тадқиқ этишни тақозо этади.

¹Global Convention on the Recognition of Qualifications concerning Higher Education. <https://en.unesco.org/themes/higher-education/recognition-qualifications/global-convention>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда бўлажак мутахассислар тайёрлаш тизимини касбга йўналтириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш, ёш мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Ҳ.Жўраев, Ш.Э.Қурбанов, Э.Сейтхалилов, Қ.Т.Олимов, А.Р.Ходжабаев, З.К.Исмоилова, Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, Р.Д.Шодиев, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Тўрақулов, Д.О.Химматалиев ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида атрофлича ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари бўйича Ю.К.Васильев, В.А.Сластёнин, В.А.Скакун, С.Я.Батышев ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасининг назарий асослари, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг шакл, метод ва воситалари А.К.Гастев, Б.Г.Збышко, А.Ф.Зубкова, Л.Л.Калачева, К.Э.Лайкам, Ю.М. Остапенко, В.Д.Роик, А.П.Соловьев, Г.Н.Черкасов, Д.К. Шарафутдинов, Н.П.Пашин, Г.З.Файнбург, Л.Н.Вавилова ва бошқаларнинг ишларида атрофлича ўрганилган.

Замонавий ўқитиш воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиб ўқитишни ташкил этиш масалалари республикамиз олимларидан А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, У.Ю.Юлдашев, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, Н.И. Тайлақов, С.С.Бекназарова, С.Қ.Турсунов ва бошқалар, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.В.Довган, М.А.Сурхаев, И.В. Роберт, Е.С. Полат, И.Г. Ежик, Т.Н. Суворова, М.И.Беляев ва О.К. Тихомиров ва бошқалар ишларида тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз олий таълим тизими амалдаги ҳолати таҳлилига кўра, мультимедиа замонавий ўқитиш воситаларининг имкониятлари техника

йўналиши олий таълим муассасаларида талабаларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлашнинг самарали дидактик воситаси сифатида ўрганилмаганлиги ҳамда “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича яратиладиган мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари учун ўқув материални тизимлаштириш тамойиллари асосланмаганлиги муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “AIF 1/4 – Касб-ҳунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича кўшма ўқув лаборатория яратиш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги халқаро амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади техника йўналиши олий таълим муассасаларида замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бўлажак техник мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик воситаси сифатида мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларининг ўрни ва имкониятларини очиб бериш;

техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанлари бўйича яратиладиган мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари учун ўқув материални танлаш ва тизимлаштириш;

меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб бўлажак муҳандислар учун умумкасбий фанлар бўйича мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш;

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини виртуал таълим муҳитида баҳолаш мезонларини такомиллаштириш ҳамда тажриба-синов жараёнида амалга татбиқ этиш.

Тадқиқот объекти техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” таълим йўналиши талабаларини мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқот предмети техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусига оид техникавий, педагогик ва психологик илмий манбалар, Давлат таълим стандарти, “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” таълим йўналиши малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; кузатиш, суҳбат, анкета, педагогик тажриба-синов; тадқиқот натижаларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мобиллик ва кўргазмалилик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган техник маълумотлар тизимини акс эттирувчи мультимедиали ўқитиш воситаларининг онлайн визуал имкониятларидан талабалар касбий тайёргарлик фаолиятида фойдаланиш орқали умумкасбий фанлар мазмунининг ташкилий – дидактик функциялари кенгайтирилган;

техника ва меҳнат хавфсизлиги бўйича умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнини эмергентлик, релевантлик ва пертинентликка устуворлик бериш асосида анимацион лойиҳалаш ва амалга ошириш орқали талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилган;

касбий фаолият турлари ва ишлаб чиқариш корхоналари техник шарт-шароитларини қамраб олган уч ўлчовли медиаконтентлар билан “discussion training” ва “my security” ролли ўйини каби интерфаол таълим методларини интеграциялаш асосида умумкасбий фанлардан ўқув материалларини ишлаб чиқиш орқали амалий ўқитишнинг услубий таъминоти такомиллаштирилган;

муҳандислик фаолиятини виртуал таълим муҳитида ташкил этиш ва ўтказишга қаратилган ўқитиш воситаларини диагностик, ахборотли ва муаммоли ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш орқали талабаларнинг амалий-техник кўникмаларини мажмуавий баҳолашнинг когнитив, фаолиятли ва компетентлилик каби мезонлари мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” таълим йўналишида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган мультимедиали дидактик воситалар мажмуаси (мультимедиали ўқув қўлланма) ишлаб чиқилган;

талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигининг шаклланганлик даражаларини бир вақтнинг ўзида аниқлаш ва объектив баҳолаш имконини берувчи дидактик воситалар, мезонлар ва методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётда жорий қилинган;

ахборот – коммуникация технологиялари негизда яратилган дидактик воситалар устуворлигини таъминлаган ҳолда талабаларни лойиҳавий-конструкторлик, ишлаб чиқариш ва ташкилий-бошқарув каби фаолиятларга тайёрлашга мўлжалланган “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича маъруза ва амалий машғулотлар учун услубий таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари таҳлили ёрдамида асосланганлиги, тадқиқот методларининг тадқиқот вазифаларига мос равишда татбиқ этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажриба-синов натижаларидаги ижобий кўрсаткич натижалари ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилаётган модел, ишлаб чиқилган мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш, талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлигининг шаклланишини баҳолаш мезонлари, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг назарий методологик ва амалий-методик асосларни бойитишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишда, мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиб умумкасбий фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишга қаратилган методик тавсиялардан эса ўқув режа ва дастурлар ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда қўлланиладиган релевант ахборотлар тизими тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро интегративликни акс эттирувчи дидактик восита сифатида мультимедиали таълим воситаларининг дидактик-функционал имкониятлари бўйича таклифлар асосида “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича мультимедиали ўқитиш воситалари базаси ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 89-03-4948-сон маълумотномаси). Мазкур мультимедиали ўқитиш воситалари базаси талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда умумкасбий фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

умумкасбий фанлар бўйича ўқув-методик материалларни эмергентлик, натижадорлик ва пертинентлик тамойиллари асосида лойиҳалаш орқали мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларнинг педагогик лойиҳалаш мазмунини такомиллаштиришга оид таклифлардан “AIF 2/20-Шахсага йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” лойиҳасининг техника йўналишидаги олий таълимда виртуал муҳитини шакллантириш компонентини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 89-03-4948-сон маълумотномаси). Мазкур таълим муҳити умумкасбий фанларни ўқитиш жараёни ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш орқали талабаларни самарали касбий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилган;

муҳандислик таълимини самарали ташкил этишда “my security” ролли ўйини ва “discussion training” каби интерфаол методлар билан замонавий ўқитиш воситалари мазмунини тизимлаштириш орқали “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлик даражаси шаклланганлигини баҳолашга имкон берувчи турли хил мураккаблик даражасидаги тест топшириқлар мажмуаси ишлаб чиқилган ва амалга татбиқ қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 89-03-4948-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услубий таъминот техника йўналиши олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлик даражаларини ривожлантириш ва объектив баҳолашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий-услубий, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан, 5 таси республика, 3 таси хорижий журналларида нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган электрон таълим ресурслар базаси учун давлат интеллектуал мулк агентлигидан 2 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиб ўқитишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларининг касбий тайёргарликнинг дидактик воситаси сифатидаги моҳияти тавсифи баён этилган, техника йўналишли олий таълим муассасалари талабаларининг мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари асосида касбий фаолиятга тайёрлигини такомиллаштиришнинг жорий ҳолати таҳлил этилган.

Мультимедиали замонавий ўқитиш воситаси учун ўқув материалларини танлаш ва тузилмалаштириш тамойилларининг мазмун ва моҳияти аниқлаштирилган.

Тадқиқотда касбий фаолиятни такомиллаштириш борасида қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди: олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак мутахассислар касбий фаолиятни юқори даражада олиб боришлари учун ўқув режада кўзда тутилган умумкасбий фанлар имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги; талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ахборот-коммуникация технологиялари дидактик имкониятлари ва таълим методлари интеграцияси асосида умумкасбий фанларни ўқитиш методикаси тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги; мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари асосида умумкасбий фанларни ўқитишнинг ахборот-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга етарлича эътибор берилмаётганлиги ва бошқалар.

Тадқиқотда мультимедиали замонавий ўқитиш восита – бу аниқ таълимий вазибаларни ҳал этиш учун тенг ҳуқуқли ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ турли кўринишдаги ахборотлар иштирок этадиган ўқув, мустақил, янгиланадиган, интерактив нашрни ўз ичига олган касбий тайёргарликнинг дидактик воситаси эканлигига асосланган.

5340400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” таълим йўналиши талабалари учун “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фанини ўқитишда фойдаланиладиган мультимедиали замонавий ўқитиш воситасининг қуйидаги кўринишлари ва турлари аниқланди: мультимедиали электрон дарсликлар, мультимедиали электрон ўқув қўлланма, мультимедиали электрон маърузаларни ўз ичига оладиган ўқув-назарий мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари; мультимедиали электрон практикумлар, мультимедиали электрон масала ва машқлар тўплами, мультимедиали электрон хрестоматиялар, мультимедиали электрон альбомлар, мультимедиали электрон атласларни ўз ичига оладиган ўқув - амалий мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари; мультимедиали электрон услубий кўрсатмалар, мультимедиали электрон ўқув-маълумотнома нашрлар, мультимедиали электрон ўқув изоҳли ёки атамашунослик луғатлар, мультимедиали электрон ўқув-библиографик маълумотномаларни ўз ичига олган ўқув-услубий мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари.

Тадқиқотда “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича ташкил этиладиган ўқув жараёнида мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш талабаларга қуйидаги имкониятларни тақдим этиши аниқланди: а) ўқув материали билан вербал ва кўргазмали-ҳиссий ахборотлар интеграцияси воситасида, рангли графика, анимация ва гиперматнларни овоз билан таъминлаш орқали самарали ишлаш. Бу эса, ўз навбатида талабаларда мақсадли, когнитив ва праксиологик мотивациялар ривожланишига сабаб бўлади; б) ўқув материални ўрганишнинг ночизиқлигини ва унинг интерактив веб-элементлар, гипермуружаатлар, кўшимча адабиётлар, электрон кутубхоналар ёки таълимий

сайтлар билан гипер алоқаларни ўрнатиш орқали доимий янгилашини таъминлаш; в) ўқув материални ўрганиш вақтини касбий тайёргарлик натижаларини мониторинг қилиш ва ҳар бир талаба бўйича маълумотлар базасини яратиш орқали тежаш. Бу – ўқитиш жараёни динамикаси ва қонуниятларини аниқлаш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича ишларни соддалаштириш имконини беради.

“Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш воситаси сифатида мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш қуйидаги бир қатор дидактик функцияларни бажариши асосланган: ахборот бериш, интегратив, трансформатив, ташкилий-рағбатлантирувчи, назорат-коррекцияловчи, аксиологик, илмий-тадқиқотчилик, мустақил таълим олиш.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича яратиладиган мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари учун танланадиган ўқув материал – бу билимлар, фаолият услублари ва тажрибаси, ҳиссий-қадриятли муносабатлар мажмуидан иборат эканлиги асосланди.

Билимлар ўқув материалнинг компоненти сифатида онтологик, меъёрий, мотивацион функцияларни бажаради. Бу функцияларни амалга ошириш эса қуйидагиларга имкон беради: ишлаб чиқаришдаги ҳаёт фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ҳақидаги билимларни тузилмалаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш; талабаларнинг бевосита ишлаб чиқилган билимларни англаган ҳолда такрорлаши ва эслаб қолишини шакллантириш; фанга оид умуммаданий ва касбий компетенцияларни ўзлаштириш.

Фаолият услублари (предметли ва ташкилий) ва фаолият тажрибаси (муаммоли масалаларни ечиш, ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув-ишлаб чиқариш лойиҳаларни ишлаб чиқиш, лойиҳавий-конструкторлик, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолиятларига доир ишларни бажариш) талабаларда ҳаёт фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига нисбатан эмоционал-қадриятли муносабатларни (ишлаб чиқариш объектлари ва вазиятларни баҳолаш) шакллантириш, ишлаб чиқаришдаги ҳаёт фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга тайёргарликни шакллантириш ҳамда компетенцияларни ўзлаштириш имконини беради.

Тадқиқот давомида “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича ўқув материални танлаш компетентлик ва илмийлик сингари умумпедагогик ҳамда релевантлик каби махсус тамойиллар асосида амалга оширилиши ва улар қуйидагиларга имкон бериши аниқланди: талабаларда касбий билимларни эгаллашга қизиқиш шаклланишини таъминлаш; талабаларда илмий-тадқиқотчилик фаолият (каталоглар ва архивлар билан ишлаш, картотекалар, конспектлар, аннотациялар, блок-схемаларни тузиш, ўқув-ишлаб чиқариш лойиҳаларни ишлаб чиқиш, чизмалар, диаграммалар, графиклар ясаш, тақдимотлар яратиш) кўникма ва малакаларини шакллантириш.


Ўқув материални тузилмалаштириш эса интеграция, кўргазмалилик, шахсийлаштириш каби умумпедагогик ва эмергентлик, пертинентлик каби махсус тамойиллар асосида амалга оширилиши ва улар қуйидагиларга имкон бериши аниқланди: ўқув материали компонентларининг тизимли яхлитлигини, фанлараро алоқаларни, ишлаб чиқариш билан ўзаро узвий алоқани, касбий фаолиятга тайёрлашнинг технологиялари ва методлари комбинациясини таъминлаш; талабани фаолиятга касбий тайёрлаш жараёнида субъект сифатида унинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантириш, тафаккурнинг индивидуал стилини такомиллаштириш, индивидуал таълим траекториясини қуриш ва ўқув материални ташхислаш, субъектив компаратив ташкил этувчиларни ажратиш; ўқув материални лойиҳавий – конструкторлик, ишлаб чиқариш ва ташкилий – бошқарув фаолиятлар соҳасида касбий йўналтирилганлигини ва талабаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаш.

Диссертация ишининг **“Техника йўналишли олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиб ўқитиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи таълим йўналиши талабаларининг мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари асосида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш модели (1-расм) ишлаб чиқилган, уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган.

Модел жараён элементларининг тизимли таркибини акс эттиради, тизим элементлари орасидаги боғлиқликнинг табиатини аниқлайди, элементлар ва бутун модел томонидан бажариладиган функцияларни тизимлаштиради. Модел 5340400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” таълим йўналиши талабаларини лойиҳавий - конструкторлик, ишлаб чиқариш ва ташкилий-бошқарув фаолиятларга тайёрлашнинг назарий асосларини кўзда тутади.

Ишлаб чиқилган модел мақсадли, жараёнли ва натижавий компонентларни ўз ичига олади.

Мақсадли компонент – меҳнат бозори талаб ва эҳтиёжлари ҳамда ижтимоий буюртмага мувофиқ ДТС ва малака талабларини инобатга олган умумкасбий фанлар негизида касбий компетентли бўлган техник мутахассисларни касбий фаолиятига тайёрлашни назарда тутади. Мақсадли компонент моделнинг тизим ҳосил қилувчи компоненти бўлиб ҳисобланади ва у мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиб умумкасбий фанлар бўйича талабаларнинг касбий тайёргарлигини ошириш жараёни йўналишини таъминлаб беради.



1-расм. Мультимедиа замонавий ўқитиш воситалари асосида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш модели

Бўлажак муҳандисларнинг умумкасбий фанлар бўйича касбий тайёргарлигини оширишга эҳтиёж, биринчи навбатда, замонавий жамият ижтимоий буюртмаси туфайли вужудга келди.

Моделнинг жараёнли компоненти талабаларни ишлаб чиқариш, лойиҳавий – конструкторлик ва ташкилий – бошқарув фаолиятларга тайёрлашда вужудга келадиган ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнат муҳофазасига оид муаммо ҳамда вазифаларни ҳал этишни кўзда тутди.

Жараёнли компонент, ўз навбатида, мазмун ва технологик блоклардан иборат бўлиб, мазмун блокада келтирилган “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани мазмуни ўқув модулларга бўлинган ва ҳар бир модул турли хил ўқув элементларидан ташкил топган.

Технологик блокада эса ўқитишнинг шакллари, методлари, фаолият услублари ва тамойиллар тақдим этилган. Талабалар ўқув жараёнида тўлиқ иштирок этадилар, унинг тажрибаси ўқув-билиш фаолиятининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Тақдим этилган шакллар, методлар ва тамойиллар ва фаолият услублари ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга ҳамда юқори натижаларга эришишга, фанни ўрганишга талабаларда мотивацияни оширишга, талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, аудиториядаги ўқув ишларининг улушини қисқартириш ва талабаларнинг мустақил иши ҳажмини ошириш ва бошқаларга ёрдам беради.

Натижавий баҳолаш компоненти – талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлигининг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонларини ўзида акс эттирган.

Тақдим этилган моделнинг сифат нуқтаи назардан фарқли жиҳати қуйидагилардан иборат: вазифалар, тамойиллар, функциялар, билимлар тизими, фаолият услуби ва тажрибаси, эмоционал-қадриятли муносабатлар, мезонлар яхлитлиги; ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги касбий тайёргарликнинг анъаналари ва инновацияларнинг диалектик ўзаро алоқаси; касбий тайёргарлик жараёнини шахсийлаштириш имкониятлари; ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасида илмий-назарий билимлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва фаолият турларининг тизимли яхлитлиги қўйилган мақсадларга эришиш имконини беради.

“Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” таълим йўналиши талабалари учун “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича мультимедиали замонавий ўқитиш воситасини лойиҳалаш ва амалга оширишнинг қуйидаги педагогик шартлари аниқланди: 1) талабанинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича фаолиятга барқарор йўналганлиги. Бу шахснинг интегратив сифати бўлиб, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига оид билимларни ўзлаштириш ва компетенцияларни эгаллаш жараёнида фаол таъсирли

позицияни шартлайди ва қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини англаш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга қизиқиш, когнитив эмоционал хулқ компонентларини ўз ичига олган меҳнат хавфсизлиги стандартлари талабларини бажариш. Талабаларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига оид фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш методлари тарғибот-ташвиқот ва ҳодисавий методларига ажратилган.

Тарғибот – ташвиқот методлари: талабаларда юқори даражада эмоционал ва психологик таъсирни таъминлайди; ишлаб чиқаришда жароҳатланиш даражасини пасайтиришни таъминлайди, иш жойдаги хавфлар ва муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш қобилиятни шакллантиришга ёрдам беради; ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолият ва меҳнат хавфсизлигини, меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, соғлиги ва иш қобилиятини сақлашга йўналтирилган стандартлаштириш заруриятини англашга ёрдам беради; меҳнат хавфсизлигини таъминлашга, ишлаб чиқариш ускунаси ва унинг алоҳида гуруҳлари (турлари) хавфсизлигини, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги талаблари бажарилишини назорат қилиш методларига талабларни таъминланишга йўналтирилган ишларни ташкил этишга қизиқишни ривожлантиришга имкон беради.

Ҳодисавий методлари: меҳнатни муҳофаза қилишга оид атамаларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар, уларнинг алоҳида гуруҳлари (турлари) га хавфсизлик талабларини билиш, меҳнат хавфсизлиги талабларини бажарилишини назорат қилиш методларини билишга; меҳнатни ҳимоя қилиш соҳасига оид компетенцияларни ўзлаштириш, шунингдек, жароҳатланиш хавфли бўлган вазиятлардан огоҳлантириш ва меҳнат хавфсизлигини коэффицентини ҳисоблашга; корхонада меҳнат хавфсизлиги бўйича аниқ стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда фаоллик кўрсатиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги бўйича камчиликларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга; хавфларни аниқлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш, меҳнатнинг оғирлиги ва тифизлиги даражасини, иш ўрнида зарарли ишлаб чиқариш омилларининг йўл қўйилган концентрацияси ёки даражасини аниқлаш, шунингдек, ушбу омилларнинг ишловчиларга зарарли таъсирини пасайтиришга ёрдам беради.

Олий таълим муассасасидаги касбий йўналтирилган визуал таълимий муҳит, бу тўлиқ функционал, кўп ўлчамли, таълим субъектларининг ижтимоий аҳамиятли муҳити бўлиб улар талаба шахсининг ривожланишига, уларнинг билиш – касбий фаоллигини таъминлашга, инсон, оила, жамият ва давлат манфаатларига касбий тайёрлаш сифатининг ошишига таъсир этади.

Касбий йўналтирилган визуал таълимий муҳитни ташкил этиш қуйидагиларга имконият бериши аниқланди; ўқув фанлари (гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий, табиий ва аниқ фанлар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари), ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти ва илмий-тадқиқотчилик ишлари

ўртасида фанлараро алоқаларни ўрнатиш; касбий тайёргарлик жараёнида машғулотларни ўтказишнинг турли шакллари (масофавий, маъруза-семинар, интегратив ва бошқалар) ва методларидан (ташвиқот-тарғибот ва ходисавий) фойдаланиш; касбий тайёрлаш жараёнига мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари ва ўқитишнинг кўргазмали воситаларини (расмлар, чизмалар, схемалар, диаграммалар, фото, видео, технологик карталар, плакатлар, белгилар ва бошқалар) жорий этиш бўлажак касбий фаолият соҳасидаги билим, кўникма, малакалар ва компетенцияларни эгаллаш бўйича талабаларнинг билиш касбий фаоллигини ошириш.

Диссертация ишининг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари таҳлили”** деб номланган учинчи бобида ахборот – коммуникация технологиялари негизида яратилган мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари асосида олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, ўтказилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича яратилган мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш мақсадида тажриба-синов иши 2016-2020 - йилларда таълим олаётган 330 нафар талаба (улардан 168 нафар талаба тажриба гуруҳи ва 162 нафар талаба назорат гуруҳи) иштирокида Жиззах политехника институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёти институти, Наманган муҳандис-қурилиш институтлари “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” таълим йўналишида ўтказилди. Тажриба-синов иши қуйидаги 3 босқичда амалга оширилди: таъкидловчи, шакллантирувчи, якуний.

Тажриба – синов даврида қуйидаги методлардан фойдаланилди: анкета сўрови, тест, талабалар ва ўқитувчилар билан суҳбат қилиш, ўзлаштиришни таҳлил қилиш, ўқитувчиларнинг педагогик тажрибасини умумлаштириш ва шахсий тажриба маълумотларга статистик қайта ишлов бериш.

Таъкидловчи босқич (2016-2018 йй) доирасида “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” умумкасбий фани бўйича ўқув материалларни талабаларга ўргатиш методлари, шунингдек, талабалар томонидан ушбу фанга оид билим ва компетенцияларнинг ўзлаштирилиши ўрганилган. Талабалар билан анкета сўрови ўтказилган. Ўтказилган сўров натижаларига кўра 84% талаба ўқув материални ўрганиш даражаси ва темпини танлаш, шунингдек, улар билан аудиториядан ташқарида шуғулланиш имконини берувчи замонавий электрон, интерактив ва мультимедиали воситаларга устиворлик берган. 91% талаба эса бўлажак касбий фаолиятда уч ўлчовли моделлаштириш дастури ва анимациялар асосида яратилган мультимедиали замонавий ўқитиш воситаларини амалиётга жорий этишни таклиф этган. 74% талаба эса педагогик жараёни мулоқатлаштириш ва шахсийлаштириш, талабаларнинг тафаккурини рағбатлантириш, аудитория машғулотларини талабаларнинг мустақил ишлари

